



**“DEVELOPMENT ISSUES OF INNOVATIVE ECONOMY IN THE
AGRICULTURAL SECTOR”**

International scientific-practical conference on March 25-26, 2021.

Web: <http://conference.sbtsue.uz/uz>

**ҚУЁН ЭЙМЕРИОЗИНИНГ ДИАГНОСТИКАСИ, ТАРҚАЛИШИ
ВА КИМЁПРОФИЛАКТИКАСИ**

Хушназаров Алишер Худойберди ўғли¹

Аннотация: Ушбу мақолада эймероз билан зарарланган қуёнлар ва қуёнчилик хўжаликларидаги маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Спорозоа, эймериоз, кокцидия, ооцист, инвазия, диарея.

¹ таянч докторант, Самарқанд ветеринария медицинаси институти

Кириш. Бугунги кунда куёнчилик истикболли соҳалардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини хусусан, чорвачиликнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган куёнчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун махсус дастурлар ишлаб чиқилиб, соҳа вакилларига қатор қулайликлар яратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тамонидан 2018 йил 12 декабрдаги 859-сўн билан Ўзбекистон насилли куён етиштирувчилар ассоциацияси давлат руйхатидан ўтказилганлиги ҳам мазкур йўналишдаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Соғлом овқатланишнинг замонавий тенденцияси ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг парҳез гўшт истеъмол қилиш меъёри хусусидаги тавсиясини инобатга олсак, инсон йил давомида истеъмол қиладиган гўшт маҳсулотларининг 5 фоизи, яъни 4,5 килограммини куён гўшти ташкил қилиши керак экан. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ҳозирги кунда юртимиз бозорларида эҳтиёж жиҳатдан йилига 150 минг тонна куён гўштига талаб бор.

Куёнчилик бўйича жаҳон тажрибасининг таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу тармоқ чорвачиликнинг самарали тармоқларидан бири бўлиб, уни ривожлантиришнинг асосий ижрочиси шахсий томорқа хўжаликлари саналади. Куёнчилик равнақи нафақат бозордаги истикболли талабни шакллантиришдаги имкониятлари, балки унинг биологик хусусиятлари туфайли ҳам юқори салоҳиятга эга. Яъни уй ҳайвонлари орасида энг тез етиладигани шу жонворлар ҳисобланади. Мисол учун, бузоқ вазни 47 кунда икки баробар ошса, куён боласи бундай натижага 6 кунда эришади. Шунингдек, ургочи куёнларни тўрт ойлигидан бошлаб ўрчитиш мумкин. Боқиш ва парвариши яхши шароитда тирик вазни 5 килограмм бўлган бир бош ургочи куён йилига 7 мартагача болалаб, пировардида боқувга 42 бошгача куёнча олиш мумкин. Бу эса 100 килограммгача гўшт, 42 дона мўйна деганидир.

Ҳозирча Республикаимизда куёнчилик тармоғи дастлабки ривожланиш босқичида бўлиб ушбу даромадли тадбиркорлик билан шуғулланувчилар ҳам ҳали унчалик кўп эмас. Улар ҳам етарлича ахборотга ва кўникмага эга эмас. Демак, бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини янада жадаллаштириш зарур. Куёнчилик саноатлашган даражага етиши лозим. Яъни боқувчи маҳсулотини қаерга сотишини олдиндан билиши керак. Тармоқнинг озуқа базасини шакллантириш ҳам долзарб масала. Шу боис ҳозир юртимизда мана шундай масалаларни ҳал этишга, тармоқни ривожлантиришга ҳукумат раҳбарияти даражасида эътибор қаратилиб, жиддий киришилмоқда.

Жумладан, 2019 йил 31-октябр куни давлатимиз раҳбари бошчилигида бўлиб ўтган йиғилишда куёнчиликни жадал ривожлантириш масаласи ҳам муҳокама этилиб, тегишли ташкилотлар зиммасига 2020 йил якунига қадар Республикаимизда куёнлар бош сонини 3 миллионга етказиш, унинг ички истеъмолини, экспорт кўламини кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди. Бундан ташқари, ўтган йиллар давомида ассоциация тамонидан Ўзбекистонда куёнчиликни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Унга кўра, 2020-2024-йилларда Республикаимизнинг барча ҳудудида куёнчилик кластерларини йўлга қўйиш бўйича дастур шакллантирилди.

Тадқиқотнинг мақсади. Куён эймериозининг диагностикаси, тарқалиши ва кимёпрофилактикасига оид илмий адабиётлар манбаларини ўрганиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эймериоз (кокцидиоз) лар – турли хил чорва моллари, ўй ва ёввойи ҳайвонлар, балиқ ва паррандалар ҳамда одам организмида паразитлик қилувчи *Coccidiida* туркумининг *Eimeriidae* оиласига мансуб бир хужайрали содда паразитлар – эймерия (кокцидия) лар чакирадиган инвазион касаллик бўлиб, клиник жиҳатдан ҳолсизланиш (қарахтланиш), кучли, айрим ҳолда қон аралаш ич кетиши билан тавсифланади. Эймериоз (кокцидиоз) лар паррандачилик ва куёнчилик хўжаликларига катта иқтисодий зарар етказади. Бу хўжаликларда ҳайвонлар, айниқса куёнлар бир кеча-кундузда кўплаб кирилиб кетиш ҳоллари кузатилиши мумкин [4].

Эймериоз касаллиги куёнларда турли хил клиник кўринишда юз бериши мумкин. Эймериоз билан куён ичаги касалланганда ичи кетади ва куённинг аҳволи кундан-кунга оғирлашади. Кейинчалик у куён ахлатида пайдо бўлади. Яхши озикланмайди, озиб кетади, ёш



“DEVELOPMENT ISSUES OF INNOVATIVE ECONOMY IN THE AGRICULTURAL SECTOR”

International scientific-practical conference on March 25-26, 2021.

Web: <http://conference.sbtsue.uz/uz>

куёнчалар ўсмай кўяди. Юнги хурпаяди, корни катталашиб, осилибколади, танаҳарорати кўтарилади, 15-20 кун ичида куёнларнинг 90 % ўлади [5].

Эймериоз Республикамизнинг барча вилоятларида, айниқса Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм, Наманган вилоятларининг куёнчилик фермаларида кенг тарқалган бўлиб, тармокни ривожлантиришда сезиларли тўсқинлик қилади. Касаллик куёнларнинг ўткир ва сурункали оқимда кечувчи протозооз касаллиги булиб, бир неча турдаги эймерияларнинг ичакнинг эпителиал хужайраларида ва жигарда паразитлик қилиши оқибатида содир бўлади[1;2;11].

Куёнларда кокцидиозларнинг 10 тури паразитлик қилиши, шундан 9 тури ичаклар шиллик пардасида 1 тури эса жигарда касаллик чақириши аниқланган [14].

Куёнларда эймерияларнинг 9 тури паразитлик қилиши аниқланган. Улардан қуйидаги учта тури *Eimeria stiedae*, *Eimeria perforans*, *Eimeria magna* лар кўп тарқалган [13].

Куёнларнинг ичакларида 8 тур ва жигар ўт халтасида 1 турдаги эймериялар паразитлик қилиб касалликни келтириб чиқаради. Шулардан энг кўп тарқалганлари бу *Eimeria stiedae*, *Eimeria magna*, *Eimeria perforans* лардир [17] бундан ташқари *E.coecicola*, *E.intestinalis*, *E.irresidua*, *E.piriformis*, *E.media* турлари ҳам учраб туради.

Куён эймерия ооцисталари узунлиги 12 мкм дан 35 мкм га етади. Ҳар бир ооцистада 4 тадан спорабласт (спорациста) лар бор. Ҳар қайси спорациста ичида эса 2 тадан ингичка чувалчангсимон ҳаракатчан спорозоитлар бўлади. Озиқ ёки сув билан ичакка тушган ооцисталар ва спорацисталар қобиғи емирилиб, спорацисталар ичак бўшлиғига чиқади. Спорозоитлар фаол ҳаракатланиб ичак, жигар, ошқозон ости беши хужайраларига кириб олади ва озиқланиб ўсувчи давр – трофозоитларга айланади. Трофозоитлар тез ўсади, ядроси кўп марта кетма-кет бўлиниб, кўп ядроли шизонтларни ҳосил қилади. Ўз навбатида, шизонт ҳам бўлиниб, кўп сонли мерозоитларни ҳосил қилади [8;15].

Барча споралилар қайси йўл билан ривожланмасин, учта тараққиёт даврини бошдан кечиради:

I давр – шизогония ёки жинсиз кўп марта бўлиниш йўли билан кўпайиш;

II давр – гаметогония ёки жинсий кўпайиш;

III давр – спорогония ёки жинсиз кўпайиш йўли билан спорозонтлар ҳосил қилиш ва уларни бир хўжайин иштирокида ривожланувчиларида ташқи муҳит таасуротидан ҳимоя қилувчи спора ҳосил қилиш даври [6].

Эймерияларнинг ривожланиши 3 босқичда бўлади. 1-фазаси *спорогония* босқичи бўлиб бу ташқи муҳитда амалга ошади бу фазада ооцисталар спорацистага айланади, шундан кейингина инвазион ҳолатга ўтади. 2-фазаси *шизогония* – бу фазада спорацисталардан спорозоидлар ҳосил бўлади ва улар куёнларнинг жигар ва ичаклар эпителиал хужайраларига киради ва у ерда бўлиниш йўли билан мерозоитлар ва шизонтлар ҳосил бўлади. Шизонтлардан етилган паразитлар макрогаметлар (урғочи хужайралар) ва микрометалар (эркак хужайралар) ҳосил бўлади. 3-фазаси *гаметогония* дейилади. Бу фазада кўпайиш усули жинсий йўл билан амалга ошади. Бу жараёнда *микрогамета* ичак йўлига чиқади ёки ўт йўлига чиқади ва *макрогамета* ичига киради кейин оталантиради. Шу йўл билан ооциста ҳосил бўлади, ооцисталар нажас билан ташқи муҳитга ажралади. Ооцисталар ташқи муҳитнинг ноқулай таъсирларига чидамли, лекин юқори ҳароратга чидамсиз 80-100 °C да 5-10 сонияда, 55°C даэса 15 дақиқада ўлади [7].

Касалликдан соғайган куёнларда нострел иммунитет пайдо бўлади. Бу иммунитет куёнлар ҳаёти давомида ривожланиш туфайли умрбот давом этади. Иммунитет маҳсул, яни касаллик кўзгатган эймерия турига қарши пайдо бўлади [12].

Қасалланган куёнлар қорнининг шишиб кетиши, тез-тез сийиши, ичи кетиши ва патологоанатомик ўзгаришларига қараб аниқланади. Аниқ диагноз қўйиш учун қасалланган куённинг тезағи Фюллеборн усулида текшириб, ооцистларнинг бор ёки йўқлиги микроскоп остида текширилади [18].

Патологоанатомик ёриб қурилганда характерли бўлмайди. Куён ичакларининг, айниқса, 12 бармоқли ичакнинг кенгайиб кетганлиги, деворининг қалинлашганлиги, ичакнинг газ билан

тўлганлиги, ичак шиллик қаватининг оқарганлиги ва шиллик модда билан қопланганлиги ҳамда нуктасимон кўринишда қон қуйилганлиги кўринади [10].

Бундан ташқари ўлган ҳайвон танаси ва ички органларидаги патологоанатомик ўзгаришларга қараб, бир қанча касалликлардан фарқланади. Бунда касалликни пастереллёз, паратиф, колибактериоз, гастроэнтерит ва оддий диспепсиядан фарқлаш жуда муҳим.

Қуёнчилик хўжаликлари баланд, қуруқ жойларда ташкил этилиши ва қуёнлар алоҳида катакларда боқилиши керак. Катаклар ахлат тўпланмайдиган ғалвирсимон қилиниши, охур ва сув идишлари полдан юқориқроққа ўрнатилиши лозим. Озиқ запаслари каламуш ва сичқонлар тегмайдиган бинода сақланиши керак. Қуёнлар сифатли озиқалар билан боқилса, уларнинг касалликка чидамлилиги ошади. Касалланган қуёнларга таркибида углеводлар кўп бўлган озиқ бериш тезроқ соғайишга ёрдам беради [9].

Қуёнлар эймерозини даволашда турли хил кокцидиостатик вакимёвий препаратлар тавсия этилган, жумладан:

Ампролиум ва унинг премикс шакллари – берилаётган озуқага нисбатан 0,0125% миқдорида 10-15 кунлик ёшлигидан бошлаб 7-10 ҳафта давомида қўлланилади;

Зоален (кокцидин, ДОТ, кокцидот), генедот-25 – берилаётган озуқага нисбатан 0,125% миқдорида 7-10 ҳафта давомида қўлланилади;

Ирамин – касалликни даволаш ва профилактика қилиш мақсадида ишлатилади;

Сульфадимезиннинг натрийли тузидан 0,1-2 г/л миқдорида сувга эритилиб, 7-9 кун давомида қўлланилади;

Сульфамонетоксин (дайметон) – берилаётган озуқага нисбатан 0,1% миқдорда 3 мартаба 15-20 кун оралатиб 5 кун давомида қўлланилади;

Никарбазин (никарб, никоксин, никразин) – берилаётган озуқага нисбатан 0,0125% миқдорда 3-2-3 схемаси бўйича 12 ҳафта давомида қўлланилади [3;16].

Хулоса. Адабиёт маълумотлари шуни кўрсатадики қуёнларнинг инвазион касалликлари ичида эймироз кенг тарқалган бўлиб, соҳани ривожланиб бораётганлигини инобатга олиб унинг тарқалиши диагностикаси ва замонавий кимёпрофилактикасини ўрганиш, амалиёт ва ишлаб чиқариш учун муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Ғ.Ғафуров., Р.Б.Давлатов., Ў.И.Расулов. // Ветеринария протозоологияси (Ўқув қўлланма). Самарқанд-2013. 83-87 б.
2. А.Ғ.Ғафуров., Р.Б.Давлатов., Ў.И.Расулов. // Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг протозой касалликлари. Самарқанд-2010. 80-83 б.
3. А. Хенниг. / Минеральные вещества, витамины, биостимуляторы в кормлении сельскохозяйственных животных. Москва Колос-1976. 430-448 б.
4. Б.Сайитқулов., Ҳ.Салимов., А.Орипов., К.Норбоев. / Ветеринария мутахассислари учун қисқача маълумотнома. Тошкент-2015. 213-215 б.
5. Б.А.Элмуродов., А.К.Турдиев., Н.Набиева. // Қуёнчилик ўқув қўлланма. Самарқанд-2018. 72-73 б.
6. Б.С.Салимов., А.С.Даминов. / Зоология. Тошкент-2018. 35-38 б.
7. В.Т.Рютова. // Болезни кроликов Россельхоз. Москва-1985. 104-109 б.
8. Е.И.Пукин. / Зоология. Москва во Агропромиздат-1989. 50-52 б.
9. Ж.Ш.Шопўлатов. / Ветеринария асослари. Тошкент-1993. 610-612 б.
10. Ж.Ш.Шополатов., Э.Ҳ.Эргашев. / Ветеринария справочниги. Тошкент-1989. 148-152 б.
11. И.Ҳ.Иргашев., Р.Б.Давлатов., Р.Л.Каспаров., А.И.Иргашив., П.С.Ҳақбердиев. // Чорва молларининг протозоозлари. Самарқанд-1998 115-119 б.
12. К.И.Абуладзе. / Паразитология и инвазионные болезни сельскохозяйственных животных. Москва во Агропромиздат-1990. 325-326 б.



“DEVELOPMENT ISSUES OF INNOVATIVE ECONOMY IN THE AGRICULTURAL SECTOR”

International scientific-practical conference on March 25-26, 2021.

Web: <http://conference.sbtsue.uz/uz>

13. К.И.Абуладзе. / Практикум по диагностике инвазионных болезней сельскохозяйственных животных. Москва Соло-1984. 160-162 б.
14. Л.Г.Уткин. // Кролиководство справочник. Москва во Агропромиздат-1987. 186-187 б.
15. О.Мавлянов., К.Сапаров., Н.Тошманов. / Зоология. Тошкент-2018. 53-57 бет.
16. П.С.Ҳақбердиев., Ф.Б.Ибрагимов. // Ветеринария протозоологияси ва арахноэнтомологияси. Тошкент-2020. 94-99 б
17. П.С.Ҳақбердиев., Ш.С.Қурбонов. / Паразитология фанидан амалий ва лаборатория машғулоти. Тошкент-2015. 149-152 б.
18. Э.Ҳ.Эргашев., Ж.Ш.Шопўлатов. // Ҳайвонларнинг арахно-энтомоэлари билан протозоозлари. Тошкент-1973. 179-182 бет.